



ГАЗЕТА 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 12 апрел, чоршанба № 65 (2114)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ФАРМОНИ

В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ижтимоий-иқтисодий

сиёсат масалалари буйича Давлат

маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари буйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрел

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ФАРМОНИ

Б.А.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси

Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлаш

тўғрисида

Ботир Асадиллаевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрел

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг ФАРМОНИ

В.А.Голишевни Ўзбекистон Республикаси

Бош вазирининг ўринбосари - Иқтисодиёт

вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий

алоқалар мажмуаси раҳбари

лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Вячеслав Аркадьевич Голишев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2006 йил 11 апрел

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олйдан ЮБИЛЕЙ ТУҲФАСИ

Марғилон шаҳрида кутлуғ тўйга пухта ҳозирлик қўйилди. Шаҳардаги эскириб қолган мактабларни реконструкция қилиш ва янги мактаблар барпо этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 480 ўринли 11-мактаб биносини бутунлай қайта таъмирлаш учун 245,7 миллион сўмлик иш бажарилиши кўзда тутилган. Бу ерда қўшимча ўқув биноси, спорт зали ҳам қад ростламоқда. Ҳозиргача 476-ЖКМК маъсулияти чекланган жамият курувчилари томонидан 100 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Шаҳардаги Зарафшон мавзесида ҳам янги мактаб қуриляпти. 6-КМК маъсулияти чекланган жамият курувчилари 945 ўринли ўқув даргоҳини мустақиллигимизнинг 15 йиллиги байрами кунигача қуриб битказишга аҳд қилган. Мазкур мактабда бир миллиондан 844 миллион сўмлик иш амалга оширилди.

Ушбу янги замонавий мактаблар Марғилоннинг икки миң йиллик юбилейига аjoyиб тўхфа бўлади, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мухаммаджон Хўжаев. - Биз мазкур мактабларни замонавий ўқув ҳизматлари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

(УЗА)

Танлов

Касаба уюшма тизимида бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Зеро, меҳнатқашларнинг ҳар томонлама химоялашнинг муҳим омилли ҳам кўпини ташкилотларни таъсирчан қўлга айлантиришга кўринади. Ўзбекистон алоҳа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Илгининг энг яхши касаба уюшма кўмитаси» танлови ана шу мақсадда хизмат қилди.

Танлов тўрт босқичда бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсидаги голиб жамоалар иштирок этишди. Шунинг эътирофи этиш жоизки, танлов шартлари қатнашчиларни ҳар томонлама синовдан ўтказди. Дастлабки турда иштирокчи бошланғич ташкилотларнинг бе-васита олиб бораётган амалий фаолиятлари баҳоланди. Бу борада, айниқса, «Тошкент почтампти» филиали, Сирдарё вилоят шаҳарлараро алоҳа корхонаси филиали ва «Узи-Жиззах» филиали касаба уюшма кўмиталарининг ҳодимлар химоячиси сифатидаги фаолиятлари ҳакамлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Иштирокчиларнинг спорт турлари буйича ўзаро кўч-синоҳини кейинги босқични ташкил этди. Улар тўқтинлараро теннис тўқчасини олиб юриш, баскетбол тўқини хал-

касаба уюшма кўмитаси райиси З.Туреєва, «Навий почтаси» филиали бошланғич ташкилот етакчиси М.Ҳасанова, «Намангантелеком» филиали касаба кўмитаси раиси Ш.Париев ва бошқаларни эътироф этиш жоиз.

Сўнгги босқичда жамоаларнинг бадиий чиқишлариға ўрин берилди. Бу борада ҳам улар ўзларини кўрсатишди. Иштирокчиларнинг миллий либосда қўшиқ қўйлашлари, раққа тушишлари томошабинларға завқ улашди. Қулгили ва ўйга толдирувчи саҳна кўринишлари маҳорат билан ижро этилди. Деярли ҳар бир чиқиш юқори баҳоланди.

Танлов натижалариға кўра биринчи ўринға Тошкент шаҳри вакиллари сазовор бўлди. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари жамоалари кейинги ўринлардан жой эгаллашди. «Энг уюшқор жамоа» номинациясини қорақалпоғистонликлар кўраган бўлса, Тошкент вилояти жамоаси «Энг кўнжамоа» деб топилди. Голиб ва савриндорлар диплом ва қўimmatбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тўқтин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

ЭНГ ЯХШИ КАСАБА УЮШМА КўМИТАСИ

касаба уюшма соҳасидаги бил-имлари синовдан ўтказилди. Ҳар бир сардордан ўзига тушган саволлар буйича аниқ ва батафсил жавоб қайтариш талаб қилинди. Етакчиларнинг билимдонлиғи, ҳуқуқий саводхонлиғи бу ерда ниҳоятда қўл келди. Қувонарлиси, аксарият сардорлар етакчилиққа муносиб эканлигини исботлашди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнжамоа туман почта боғланмаси



Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

2000 йилда бўлиб ўтган Бугунжаҳон саммитида сайёрамизнинг барча давлатлари олдига қўйилган Минг-Йиллик ривожланиш мақсадларининг (MRN) қўлиға мамлакатимиз белгиланган муддатда - 2015 йилға келиб эришади. Тошкентда тақдирот маросими ўтказилган Ўзбекистонда Минг-Йиллик ривожланиш мақсадлари буйича биринчи миллий маърузасида шундай хулоса чиқади. Бу ҳужжат БМТ тизимидаги агентликлар томонидан республикамиз ҳуқумати билан яқин ҳамкорликда тайёрланган бўлиб, мамлакат ривожланишининг ҳозирги тенденциялари ва истиқболларини ақс эттиради. Унинг тақдиротиде республика вазириликлари ва идоралари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди. (Давоми 3-бетда)

ФАХР ЭТАМИЗ СЕН БИЛАН, ВАТАН! бугун барча ана шу олий туйғу билан яшаб, меҳнат қилмоқда

Анджоннинг кенг ва раvon йўлларида «Нексия» автомобиллини елдек учириб бораётган ҳайдовчи магнитофондан таралаётган дилбар қўшиқнинг овозини бир зум пасайтириб, менға юзланган:

— Мен шу элнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Қаранг, кўча тўла машина. Ҳеч ким аю йўлда қолиб қетмайди. Истаган манзилиға бир зумда етиб олади. Машиналар ҳам беғона эмас, ўзимизники, жонанжон Ўзбекистонимизники. Ким ўйлабди дейсиз, замонар келиб, шундай имкониятларға эға бўлишимизни.

Еши олтимилларни қоралаган оддий бир инсоннинг бу теран фикрларидан ҳамроҳларимиз ҳам яйраб кетишди. — Нимасини айтасиз, дадам раҳматлик бир умр ҳалол меҳнат қилиб, пул топгани билан машина

ололмай ўтиб кетган. Тузукроқ иморат ҳам сола олмаган. Замонамиздан айланай, қўлимиз ҳамма жойға етди. — Шунинг учун фарзандларимизни ҳам шуқроналикка ўргатаймиз, — деди уларнинг аяа бири суҳбатға қўшилиб. — Яхши ўқиб қамол топан инсон ҳаётда асло кам бўлмайди. Ўз ўрнини топиб, юксак обрў-мартабаға эришади...

Шаҳаринг бугунги жамолиға боқиб, бу сўзаларинг бежиз эмаслигини ҳис этсан киши. Баҳорги юмушлардан қайнаган кўча ва йўлларға ўтказилган қўчалар, яшнаб турган арчалар Андижонға ўзғача файзу тароват ба-

фишлаб турибди. Гўеки она табиат унға бор гузаллиғини бахшида айлагандек. Йўл бўйларидаги бир-биридан кўркам иморатлар, муҳташам бинолар узукка қўйилган гаваҳ кўзде қарағача ярашиб тушган.

Бу йилги баҳор нафақат Андижон шаҳриға, балки бугун вилоятға ўзғача файзу тароват олиб келди. Қўқлан нафасидан яшанган дала-боғлар чирой очиб, гулларға бурканди. Яратиш, яшатиш ишчи билан ёнган замин соҳибқдорлари яхши ният, хуш кайфият билан яна гашти меҳнатға бериладилар. Вилонинг ҳамма жойида дала юмушлари билан биргаликда ободонлаштириш, қўқламоворлаштириш ишлари қизигандан қизиди.

(Давоми 2-бетда)

«Ишонча бахт келтириш — олий бахт» танловиға

АЙДАР БўЙИДАГИ ЎЖАР ОДАМЛАР

Конимеҳнинг Сарибелидан қолган асфальт йўл «Кизилча» ширкат хўжалигининг Қўшқудук овули ёнида ҳам Нурутота, ҳам Форниға кетадиган йўл билан туташади. Сиз агар Боймурад, Утепа томонларға бормоқчи бўлсангиз, Навой вилоятининг тўққиз ярим миллион гектарли Қизилқум кентликларининг табиатининг мўъжизакор қўллари бунёд этган тақрорланмас манзараларини — бошқа жойда учрамайдиган қалин саксовулзорларни кўрмоқчи бўлсангиз, ҳеч иккиланмай жанубға қараб юришини давом эттириш.

Бир пайтлар юк ортган туюлар қаровиниға ўта олган саксовулзори кум барханларидан ўтган асрининг олтимилларни йилларида қўл белини қора белбоғдек ўраган, Боймурад, Утепа, Утемурод, Жангишоруа овуллари орқали Томди тумани маркази, Зарафшон, Учқудук шаҳарлари билан боғланадиган йўл қурилган. Сиз интилан саксо-

3.БОЙМУРОД ТОМОНЛАРДА

вулзорлар Сарибелининг Дўнгалак тепалиқларидан бошланади. Боймуродликлар сизни меҳмонға чорлаётганида нега сал хижолат бўлгани сабабини ҳам худди шу ерда тушуниб етасиз. Мана уч-тўрт йилдики, барханлар оша Боймурадға кетадиган текис ва равон йўлнинг ўттиз километрини Айдар ювиб кетди.

Бошқача айтганда, ўз сархадларига қўшиб олди. Боймуродликларнинг айтишича, 1969 йилда Боймурад ва Айдар оралиғи эллиқ-олтмиш километрини ташкил этган. Утган ўттиз етти йил давомида Айдар тўхтамади, айниқса ҳар йили январ-май ойларида чорвадорлар учун хавф солиб ҳайқириб тошди. Биргина «Абай» наслиқлик

беш гектар унмдор йилловлар, жумладан, йигирмага яқин чўпон уйлари, олтимилларни йилларида қўл белини қора белбоғдек ўраган, Боймурад, Утепа, Утемурод, Жангишоруа овуллари орқали Томди тумани маркази, Зарафшон, Учқудук шаҳарлари билан боғланадиган йўл қурилган. Сиз интилан саксо- беш гектар унмдор йилловлар, жумладан, йигирмага яқин чўпон уйлари, олтимилларни йилларида қўл белини қора белбоғдек ўраган, Боймурад, Утепа, Утемурод, Жангишоруа овуллари орқали Томди тумани маркази, Зарафшон, Учқудук шаҳарлари билан боғланадиган йўл қурилган. Сиз интилан саксо-

(Давоми 3-бетда)

Орамиздаги одамлар

зиёд ёпиқ-ёпиқ дренаж, 70 километр ёпиқ зовур ва 50 километрча очик зовурлар бор. Бу ронги йилларда ана шу мелiorация курилмаларининг 60 фоизи ишлаласди. Бу — ўша шу ўроларча фикрлардан чиқувчи сизот сувларни, Арнасой кўллари, Арнасой кўллари тизимиға элтадиган зовурларни олайлик. Қўлда сув сатҳининг кўпайиб-кўтарилиб кетиши туфайли зовурларнинг кўлга қўйилиш қисми дамланиб, сувни ўтказмайди ёки жуда

дой майсалари сари ишора қилиб. — Ана, дренаж, ана, зовур! Бултур 70 гектарлик ер майдонимизнинг адоқ қисмидан муваққат зовур қазиб, бош зовурға туташтирган эдик. Сизот сувларини шундай тортиди, шундай тортиди, галамиз хосилдорлиғи бурноғи йилдадан 12 центнер, пахта-миз хосилдорлиғи 6 центнер ошди. Бу йил янада ошади.

Бултур 36 миллион сўм соф фойда олганмиз. Бу йил 50 миллион сўмдан кам бўлмас. Энди пайқалимиз дренажларини янгилаб, зовурларимизни очамиз ва таъмирлаймиз. Эсингиздами, ҳув бурноғи йил бошида Юртобошини йил якунларига бағишлаб ўтказган йилгилишида «Ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, дренаж ва зовурлар ишини тиклашға пул сарфлашдан оғринманг» деган эдилар.

Кена билдим — бир гектар ёрнинг дренажини янгилашға 500 миң сўм пул кетаркан. Икки йиллик фойдани сарфламан-да, дренаж қурдираман.

Мана бу чин фермер гап! Тупроқни шўрлатиб, хосилдорликка путур етказётган тузнли йўқотмай, хосилдорлиқни ошириб бўлмайди. Ер — халқ бойлиғи, уни авлодлар учун ҳам бус-бутун, соғлом сақлашимиз лозим. Тупроқни тўз емирмасин.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ

ФЕРМЕР ДЕГАНИ мана бундоқ бўлибди!

ланиши пасайиб бормоқда. Сабабими? «Юртимизда шўрлар ҳукмрон бўлган даврининг сўнгги йилларида Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг «Мирзачўл» деб аталмиш қўл худудлари ердан пахта хосили кучайтирилган ўнлашди, сўғирини ва умуман, эўраки агротехника эвазига олганлиғи туфайли ҳеч кимға сир эмас. Бу тарихда ёндошув ёрни ишдан чиқарди. Ҳа-ха, қулманг, мейёрдан ортиқча ўнлаш ва сўғирини зовур-дренаж тизимининг ишдан чиқаришга олиб келди. Зовур-дренажлар ишламағач ёки сув ишлаган, ерда шўрланиш қўчя борди. Бошқачаси қўяйлик, бизнинг Арнасой туманимизни олайлик. 1600 километрдан

ятлари экин майдонларида мелiorатив аҳвали яхшилаш учун бир неча миллион сўм ажратилди-ю, чўлуқвар-деҳқонларнинг умид куртаклари қайтадан гунақлай бошлади. Миңлаб гектар ерларға жон кирди. Рустамжоннинг қўнжамлик-тида жон бор, албатта. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тупроқнинг шўрланиши худосини тўқтатиш, барта-раф этиш буйича жуда катта амалий ишлар қилинаёттир. Лекин шундай бўлса-да, ҳақон иккала вилоятнинг ҳам деҳқончилик харитасида «қўр-та шўрланган» мелiorатив дала-лар микдори анча. Дренажлар ишламаётгани устиға зовурларнинг оқова ва

рарни тўлаш тўғрисида» ги қарорли доҳим меҳнат вазибаларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғиға етказилган зарар учун жавобгар бўлган қишлоқ хўжалиғи коопе-

Тахририятимизға шовотлик Р. Юсуповнинг товон пулини ундиришдаги айрим муаммолар хусусидаги шикоят хати қолганди. Масалға аниқлик киритиб, адолатли хал этиш учун Хоразм вилоятидаги тегишли ташкилотға бу хусусда мувожабат эттирилди. Яқинда ана шу хатға жавоб олдиқ. Унда, жумладан, шундай дейилган:

«Хоразм вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутасадди-лари томонидан Шовот тумани Ал-Беруний номли ширкат хўжалигининг 4-бригадасида яшовчи Р. Юсуповнинг соғлиғиға етказилган зарар суммасини тўлаш тўғрисидаги аризаси ўрганилганда, қуйидагилар аниқланди. Фуқаро Р. Юсупов тумандаги собиқ Ал-Беруний номли жамоа хўжалиғида ишлаб, касб касаллиғиға

лантлантирилганға қадар ҳар ойиға 11363 сўм микдорида соғлиғиға етказилган зарар учун Р. Юсуповға товон пули тўлаб қилинган. 2004 йил декабр ойида ширкат фермер хўжалиғиға айланти-

рилиши муносабати билан унға товон пулини тўлаш тўқтатилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар уларнинг меҳнат вази-галарини бажариш билан боғлиқ халқ жароҳатланмиш, касб касаллиқларига чалиниши ёки саломатлиқининг бошқа хил шикастланмиш туфайли етказилган зар-

ТОВОН ПУЛИ ТўЛАНЯПТИ

«Ишонча»ға жавоб берадилар

тимий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жағнамаси маблагларидан тўланиши белгиланган.

Ушбу Қоидаларнинг 49-бандида юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда зарар суммасини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиғи томонидан белгиланган, деб қўрсатилган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 28 январдаги 29-сонли буйруғи ва «Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда зарар суммасини тўлаш тартиби»ға асосан ижтимоий таъминот бўлими томонидан Р. Юсуповнинг 1983 — 1984 йилларидаги иш ҳақларидан соғлиғиға етказилган зарар суммаси ҳисоблаб қилиб, тўғри тўланмоқда ва ҳозирги вақтда унинг микдори 7641 сўмни ташкил этади».

Р. ҚўРБОНОВ, Хоразм вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқарма бошлиғи

